


## АПЛдаги футбол баҳсларида рўза тутган спортчилар оғиз очиб олиши учун ўйинлар тўхтатиб турилади



14:43 / 23.03.2023 1370

Премьер-лига ҳакамларига Рамазон ойида бўладиган баҳсларда оғиз очиш пайтида ўйинни тўхтатиб туриш таклиф қилинди. Бу ҳақда Sky Sports манбаси хабар берди.

Рўза тутган ўйинчилар сув ичишлари, мева истеъмол қилиб олишлари учун вақт берилади.

Шунингдек, ҳакамларга ўйин бошланишидан олдин рўза тутган футболчиларни аниқлаш тавсия қилинди.